



# БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

## Ёки Ҳаракат дастури ижроси ҳақида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга, уларнинг электротат манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган VII пленумида ҳам партия гуруҳлари олдида катта вазифалар қўйилди. Бугун депутатларимизнинг кўпчилиги ўз ҳудудларида одамларни ташвишга солаётган муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Албатта, электротат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, уларни ҳудудлар ривожини нуктаи назаридан таҳлил қилиш осон иш эмас. Бунинг учун елиб-югуриш, масаланинг илдизига етиб бориш керак бўлади. Бироқ депутатларнинг ҳаммаси бугунги масъулиятни, талабни етарли даражада ҳис этаётган, деб бўлмайди.

Яшаш маълумки, парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловдан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини қабул қилди. Дастурда партия кенгашлари ва депутатлар зиммасига аниқ вазифалар белгилаб берилди. Муҳим томони, улар ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Айтилик, қайсидир туманда хизмат кўрсатиш ёки қасаначиликни ривожлантиришга эҳтиёж катта бўлса, қайсидир жойда аҳоли кўрсатилаётган тиббий хизматдан рози эмас. Яна қаердадир йўллар таъмирталаб, бошқа жойда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида муаммо бор. ЎзХДП Ҳаракат дастурида сайловчилар манфаатларига алоқадор шу каби масалалар ҳудудлар кесимида белгилаб берилган. Таҳлиллар

шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йили Ҳаракат дастури асосида маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари томонидан 112 масала сессиялар муҳокамасига киритилди. Лекин Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Мўйноқ туманлари, Андижон вилоятининг Хонобод, Андижон шаҳарлари, Пактабод тумани, Бухоро вилоятининг Бухоро тумани, Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Нарпай, Оқдарё, Ургут туманлари, Каттақўрғон шаҳри, Сирдарё вилоятининг Ховос тумани, Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани, Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги партиямиз гуруҳлари Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларни ўрганиш, сессиялар муҳокамасига киритиш бўйича сусткашликка йўл қўйган.

Бугун сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалган. Улар ўзларига вакил, деб сайлаш депутатлар фаолиятини доим кузатиб туради. Қайси депутат астойдил ишляпти, аҳоли манфаатларини ким кўпроқ ҳимоя қияпти, ҳуллас, кимнинг одамларга фойдаси тегаётганини яхши билади.

Қайси депутат ҳаракат қилаётган, ташаббус кўрсатаётган бўлса, амалий натижалар бўляпти.

Бир мисол. Ўтган йили халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгаши сессиясида аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Ушбу масала сессияда кўрилгунга қадар жорий йилда тумандаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 1016 нафар битирувчининг 705 нафари ёки 69,3 фоизининг бандлиги таъминланган эди. Масала сессияда атрофлича муҳокама этилди, мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар юклатилди. Натижада 2016 йилнинг 31 декабрь

қилинган эди. Сессия йўғилишидан кейин 5-сон мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда яна 4 боғча ҳамда 2 мактабгача таълим муассасалар филиалини капитал таъмирлаш режалаштирилди. Демак, депутатларнинг саъй-ҳаракати, изланиши бесамар кетмади. Бундан одамлар манфаат кўрди.

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларининг доимий комиссия ва сессиялардаги иштирокининг жорий йил

Қайсидир туманда хизмат кўрсатиш ёки қасаначиликни ривожлантиришга эҳтиёж катта бўлса, қайсидир жойда аҳоли кўрсатилаётган тиббий хизматдан мамнун эмас. Яна қаердадир йўллар таъмирталаб, бошқа жойда эса аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида муаммо бор. ЎзХДП Ҳаракат дастурида сайловчилар манфаатларига алоқадор шу каби масалалар ҳудудлар кесимида белгилаб берилган.

ҳолатида битирувчиларнинг 874 нафари ёки 86 фоизининг бандлигини таъминлашга эришилди.

Яна бир мисол. 2016 йилнинг 3 июнида халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида «Тумандаги мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш борасидаги ишларнинг аҳоли тўғрисида»ги масала муҳокама

3 ойлик натижаларини умумлаштирди. Маълумотларга қараганда, партиямиз Ҳаракат дастури асосида йилнинг биринчи чорагида депутатларимиз ташаббуси билан партия гуруҳларида 116, доимий комиссияларда 62, сессияларда эса 13 масала кўриб чиқилган.

Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича 9 масала партия гуруҳларида, 3 таси доимий комис-

сияларда ва 1 масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Соғлиқни сақлаш, поликлиникаларни замонавий тиббий ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини яхшилаш, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш билан боғлиқ 31 масала партия гуруҳларида, 23 таси доимий комиссияларда ҳамда 4 таси сессиялар кун тартибига киритилди. Тошкент вилоятининг Чиноз ва Зангиота туманлари, Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри ва Сурхондарё вилоятининг Шеробод туман Кенгаши сессияларида ушбу тизимга алоқадор масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Айни кунда депутатлар қарор ижроси устидан назорат олиб борапти.

Аммо Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларга масъулиятсизлик билан ёндашаётган партия гуруҳларимиз ҳам бор.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича бошланган кенг кўламли ишлар сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан юксак вазифаларни юкломқда. Депутат учун энг муҳими, фаолиятида ана шундай аниқ натижага эришиш, юзи ёруғ бўлиш, ўзи мансуб бўлган сиёсий партия дастурини амалга ошириш, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

Лазиза ШЕРОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### Муносабат

Нотинч дунёда яшаймиз. Ер шарининг турли бурчакларида қарама-қаршиликлар авж олиб, уруш олови ёнапти. Бегуноҳ одамлар қони тўкиляпти, шаҳарлар вайрон бўлиб, минг-минглаб одамлар жон сақлаш учун ўз юртини ташлаб кетаяпти. Ана шундай таҳликали бир даврда тинч ва озоишта ҳаётни қадрлаб яшаётган халқимиз Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, юртни фашизмдан омон сақлаган кекса авлод хизматини чуқур ҳис этади, уларга таъзим қилади.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бутун халқимизни, айниқса, уруш қатнашчиларини ниҳоятда қувонтирди.

## «ЭЛНИНГ АРДОҒИДАМИЗ»

Низомхон САТТОРОВ,  
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,  
Наманган шаҳри:

— Ҳарбий комиссариатнинг чақирув қоғози билан кўп қатори фашист босқинчиларига қарши урушга отланганимда 17 ёшли йигит эдим. Уруш меннинг ёшлик орзуларимни, қувончларимни бир умрга ўғирлади. Мана, орадан салкам саксон йил ўтганига қарамасдан, уруш даҳшатлари кўз олдимдан кетмайди. Урушда ҳалок бўлган қуролдошларим ҳали-ҳамон тушимга кириб чиқади. Бизнинг авлод бутун ҳаёти давомида уруш асоратлари, уруш хотиралари билан бирга яшашига маҳкум этилган.

Бугунги тинч, фаровон, тўкин-сочин кунларимизга шукр қиламан. Вилоятимиздаги 87 нафар уруш қатнашчиси ўз ҳаётидан рози бўлиб умргузаронлик қилмоқда. Ёшинг улғайгани сайин бироз эътиборталаб бўлиб қоларкансан. Маҳалладан, мактабдан ёки ҳокимиятдан кимдир сени сўраб келса, кўнглинг бирдан ёришиб кетади. Улар билан соатлаб суҳбат кургинг келади.

Президентимизнинг бизга кўрсатган эътибори, меҳри, ғамхўрлиги эса, тўғриси, умримизга умр қўшди. Байрам муносабати билан уруш қатнашчилари ва фронт ортида матонат кўрсатиб меҳнат қилганлар ҳолидан хабар олиш, турар жойини таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бошланибди. Ҳатто уй-жойи бўлмаганларга турар жой ажратилар экан. Бундан ташқари, ҳар бир уруш қатнашчисига икки миллион сўмдан пул мукофоти берилиши Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари қанчалик эъзозланаётганининг яна бир тасдиғи бўлди. Шифокорлар, маҳалла фаоллари ҳолимиздан тез-тез хабар олишади. Билсангиз, бутун элнинг ардоғидамиз.

Одам қаддини қадр тиклайди. Эътибор, эъзоз, ҳурмат ва иззат бор жойда қут-ба-рака, меҳр-оқибат бўлади. Ўртимиз тинч, фарзандларимиз соғ бўлсин.

Рашид РАҲМОНОВ,  
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,  
Самарқанд шаҳри:

— 94 ёшданам. Мамлакатимизда кечаётган барча муҳим жараёнларни кузатиб бораман. Кеча телевидение орқали Президентимизнинг фармон ва қарорини эшитдим, кўрдим. Ҳамма уруш фахрийлари қатори жуда хурсанд бўлдим. Дуо қилдим.

Кексаларимиз, озгина ҳаяжонлансан, кечаси уйкум қочади. Тонггача мижжа қоқмадим. Бутун ҳаётим кўз олдимда гавдаланди. Уруш йилларини эсладим. Мустақилликнинг илк кунлари ёдимга тушди.

Очиги, ўша даврлар билан бугунги кунларни мулқла солиштириб бўлмайди. Катта ўзгаришлар бўлди. Ҳаётимиз фаровонлашди. Кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш юқори даражага кўтарилди. Эртаси кун «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Хасан Нормуродов уйимизга телефон қилиб, мендан ҳол-аҳвол сўради. Президентимизнинг эътибори кексалар умрига умр қўшаётгани ҳақида гапирди.

Ҳар қандай инсон ўзига кўрсатилган эътиборга муносиб жавоб бергиси келади. Мен педагог бўлганим учун ушбу фармон ва қарорининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти беқиёс, деб ўйлайман. Улар ватан ҳимояси йўлида қон тўккан кекса авлодга кўрсатилаётган эътибордан ўзлари учун ҳулосалар чиқариб олишади, деб ўйлайман.

Биз, кексаларнинг ўғил-қизларимизга айтадиганимиз битта: бугунги олтин кунлар қадрли, тинчликдек неъматнинг қадрига етиш керак, уни кўз қорачиғимиздек асраш керак. Халқимиз тинчлик йўлини танлаган. Илоҳим, Ўратганимиз ўзи халқимиз тинчлиги ва озоишталигини берсин.

Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

### ЎзХДП электротати манфаати

## ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ



Хабарингиз бор, ЎзХДП ташаббуси билан жойларда хайрия тадбирлари ташкил этилиб келинади. Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Олмазот туман кенгашлари, Тошкент шаҳар Ногиронлар жамияти ҳамкорлигида «Доимо эътиборимиздасиз» шиори остида ўтказилган навбатдаги тадбирда уч юз нафарга яқин кексалар, имконияти чекланган инсонлар, боқувчисини йўқотган болалар бир дастурхон атрофида жам бўлишди.

— Бобом ишламайдиган қўллари билан мени опичлаб катта қилган, — дейди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти бошқарув раиси Комил Абдуллаев. — Шунинг учун ҳам имконияти чекланган инсонларнинг дардини, уларга нималар кераклигини яхши биламан. Қолаверса, турмуш ўртоғим ҳам иккинчи гуруҳ ногирони. Жисмоний имконияти чекланган кишиларга қўлимдан келганча ёрдам кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилишни ҳаётим мазмуни, деб биламан.

Жамиятимиз кўп йиллардан бери ЎзХДП билан ҳамкорлик қилади. Ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан тақдир, мулоҳазаларимизни партия гуруҳлари фракциясига юборамиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар имконияти чекланган инсонларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самардорлигини ошириш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, кўнглини кўтариш зарур эканини қайд этиб ўтди.

Бир гуруҳ кекса отахону онахонлар ўтирган столга яқинлашиб, суҳбатга қўшилди. Уларнинг ҳар бир ўғиллари катта ҳаётий сабоқ эканига яна бир бор амин бўлди. Айниқса, етмиш саккиз ёшга кирса ҳам ҳассага таянмаган, қадди бүклимаган Дамин Каримовнинг сўзларини мароқ билан тинглади.

Махлиё АЛИҚУЛОВА

### Ўзбекистон Халқ демократик партиясига 2016 йилда тушган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

| №   | Кўрсаткичлар                                                                                           | Режанинг бажарилиши |
|-----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------|
| I   | <b>Даромадлар, жами</b>                                                                                | <b>16 636 287,4</b> |
|     | шу жумладан:                                                                                           |                     |
|     | давлат бюджетни маблағлари                                                                             | 9 981 569,0         |
|     | Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ажратилган давлат маблағлари                              | 958 350,0           |
|     | бюджетдан ташқари маблағлар                                                                            | 5 696 368,4         |
|     | шу жумладан:                                                                                           |                     |
|     | кириш ва аъзолик бадаллари                                                                             | 3 716 814,3         |
|     | тадбиркорлик фаолияти даромадлари                                                                      | 1 679 228,4         |
|     | ҳомийлик, хайрия тушумлари                                                                             | 2 000,0             |
|     | бошқа тушумлар                                                                                         | 298 325,7           |
| II  | <b>Харажатлар, жами</b>                                                                                | <b>15 195 397,9</b> |
|     | шу жумладан:                                                                                           |                     |
|     | ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар                                                    | 11 231 869,2        |
|     | партия аъзолари ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмалар тарғибот материаллари нашр этиш харажатлари  | 74 964,9            |
|     | кўргазмалар тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари                                              | 38 441,2            |
|     | партия фаолларини ўқитиш, семинар, тренинглар ўтказиш, ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш харажатлари | 232 200,3           |
|     | партия пленуми, йўғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш харажатлари                                    | 142 658,2           |
|     | партия мол-мулкни сақлаш, фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари                 | 613 759,6           |
|     | бошқа турли харажатлар                                                                                 | 1 903 154,5         |
|     | <b>Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун харажатлар</b>                                      | <b>637 660,6</b>    |
|     | бюджетга қайтарилган маблағ                                                                            | 320 689,4           |
| III | <b>Даромадларни харажатлардан ортиқлиги</b>                                                            | <b>1 440 889,5</b>  |

### Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2017 йилги бюджети

| №   | Кўрсаткичлар                                                                                   | Режа              |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|
| I   | <b>Тушумлар</b>                                                                                | <b>17 308 333</b> |
| 1.  | давлат бюджетни маблағлари                                                                     | 11 239 940        |
| 2.  | бюджетдан ташқари маблағлар                                                                    | 5 061 945         |
|     | шу жумладан:                                                                                   |                   |
| 2.1 | кириш ва аъзолик бадаллари                                                                     | 3 713 999         |
| 2.2 | тадбиркорлик фаолияти даромадлари                                                              | 1 347 946         |
| 3.  | 2017 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ                                                              | 1 006 448         |
| II  | <b>Харажатлар</b>                                                                              | <b>17 245 898</b> |
| 1.  | ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар                                            | 13 587 644        |
| 2.  | партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари                         | 232 200           |
| 3.  | партия пленумлари, давра суҳбатлари ва йўғилишларини ўтказиш харажатлари                       | 152 000           |
| 4.  | кўргазмалар тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш харажатлари                          | 234 000           |
| 5.  | партия мол-мулкни сақлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари | 710 302           |
| 6.  | бошқа турли харажатлар                                                                         | 2 329 752         |
| III | <b>Даромадларни харажатлардан ортиқлиги</b>                                                    | <b>62 435</b>     |

Ўтган йили Ҳаракат дастури асосида маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари томонидан 112 масала сессиялар муҳокамасига киритилди.



